

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

365 Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон «Автомо-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

билда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 12 июнь,
335-В-сон

**Давлат божхона қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Ш. ХАЙРУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 12 июнь,
02-02/12-26-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Давлат
божхона қўмитасининг 2015 йил 12 июндаги
335-В, 02-02/12-26-сонли қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит
ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сонли «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни (бундан буён матнда йиғимлар деб юритилади) ундириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли банк — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган тижорат банки;

қимматликлар — хорижий валюта ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар;

кунлик ҳужжатлар — операцион кун давомида расмийлаштирилган хорижий валютада амалга оширилган операциялар ҳисобини юритиш ҳужжатлари;

инкассация хизмати — банк мижозларининг кунлик нақд пул тушумларини инкассо қилиш ва қимматликларни ташиш билан боғлиқ бўлган хизмат.

2. Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда хорижий валютада йиғимлар ундирилади.

3. Йиғимлар нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

4. Йиғимларни ундириш учун тегишли божхона постида ваколатли банк томонидан хорижий валютада тўловларини қабул қилувчи банк кассаси (бундан буён матнда махсус касса деб юритилади) ташкил қилинади.

2-боб. Махсус касса ишини ташкил қилиш, қимматликлар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш

5. Махсус кассалар ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташиш, мазкур Низомда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Махсус касса ваколатли банк томонидан ёнмайдиган темир шкаф (сейф), телефон алоқаси, қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси, валютанинг ҳақиқийлигини аниқлайдиган детектор ёки тестер, хорижий валютани нақд пулсиз шаклда қабул қилувчи тўлов терминали, компьютер, принтер, ҳисоблаш техникаси, пул санаш машинкаси, пулларни ўраб-боғлаш учун бандероль, тизимча ва пломбалар, кассир учун бириктирилган махсус пломбир, амалиёт кассасининг номи ёзилган ёки унинг тартиб рақами кўрсатилган муҳр ва штамплар ҳамда бланкалар билан таъминланган бўлиши шарт.

7. Махсус кассада фаолият юритадиган кассирлар сони унинг иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ваколатли банк томонидан белгиланади.

8. Махсус кассада икки ёки ундан ортиқ кассирлар фаолият юритганда, ваколатли банк раҳбарининг буйруғига асосан катта амалий иш тажрибасига эга бўлган кассирлардан бири катта кассир лавозимига тайинланади.

Катта кассир кассирларга юклатилган барча вазифаларни амалга ошириб, махсус касса ишига бошчилик қилади ва кассирларнинг ишини назорат қилиб боради.

9. Кассир мижозлар томонидан тақдим этилган хорижий валютанинг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини техник воситалар ёрдамида текшириши шарт.

10. Йиғимлар ундирилганлиги ҳақида кассир томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда маълумотнома расмийлаштирилади. Бунда кассир маълумотномада мижознинг имзоси қўйилганлигини ҳамда қайд қилинган барча маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ қўрсатилганлигини текшириши шарт.

11. Маълумотнома бланкалари қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади ва ваколатли банкнинг буюртмасига асосан «Давлат Белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бир хил серияга ва зарур ҳимоя даражаларига эга бўлган икки нусхада тайёрланади. Маълумотноманинг биринчи нусхаси мижозга тақдим этилади, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

12. Маълумотномаларга ўчириб ёзиш, тузатишлар киритиш ва изоҳлар ёзишга йўл қўйилмайди.

13. Бузилган, йиртилган ёки бошқача тарзда яроқсиз холга келган маълумотномаларнинг иккала нусхаси ҳам бекор қилиниб, кассир имзоси билан тасдиқланади ҳамда кунлик ҳужжатларга тикилади.

14. Қимматликларни олиш учун кассир томонидан икки нусхада мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Махсус кассада операцияларни амалга ошириш учун бўнак олиш тўғрисидаги талабнома (бундан буён матнда талабнома деб юритилади) тўлдирилади. Талабноманинг бир нусхаси ваколатли банк кассасида қолдирилиб, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

15. Ваколатли банк бухгалтериясининг масъул ходими томонидан талабнома ҳамда тегишли касса ва балансдан ташқари ордерлар асосида уч нусхада илова қайдномаси тузилади. Унинг ҳар бир нусхаси ваколатли банкнинг моддий жавобгар шахси томонидан имзоланади.

16. Махсус кассага жўнатиш учун тайёрланган қимматликлар ва илова қайдномасининг биринчи нусхаси моддий жавобгар шахслар томонидан инкассация халтасига жойланади, шундан сўнг халта тамғаланади. Махсус кассага бириктирилган ҳар бир инкассация халтасида махсус кассанинг рўйхат рақами ва ваколатли банкнинг номи ёзилади. Инкассатор томонидан халталар қабул қилиб олингандан сўнг, илова қайдномасининг учинчи нусхаси имзоланади ва муҳрланади. Илова қайдномасининг учинчи нусхаси ваколатли банкда қолдирилади.

17. Инкассатор келтирган халталар кассир томонидан қабул қилинади. Бунда халтанинг тамға урилган тизимчасининг бутлиги ва тамға изининг аниқлиги синчиклаб текширилади.

18. Қабул қилинган қимматликлар талабнома, илова қайдномасининг биринчи ва иккинчи нусхалари билан солиштирилгандан сўнг, кассир томо-

нидан илова қайдномасининг иккинчи нусхаси имзоланади, махсус кассанинг штампи билан тасдиқланади ва инкассация бўлимига топшириш учун инкассаторга қайтарилади. Илова қайдномасининг биринчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

3-боб. Махсус кассада ҳисоботни юритиш

19. Кассир томонидан операция кун якунида махсус кассада қимматликлар асосида амалга оширилган операциялар бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда хорижий валютанинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот тузилади ва имзоланади.

20. Ҳисобот ва қимматликлар инкассация халтасига тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргаликда жойланади ҳамда ваколатли банкка юборилади.

21. Инкассатор томонидан махсус кассадан қабул қилинган инкассация халталари ваколатли банкнинг кечки кассасига топширилади.

22. Банк бухгалтериясининг масъул ходимлари тақдим қилинган ҳужжатлар бўйича тузилган ҳисоботнинг тўғрилигини, қимматликларнинг тўлатўкис топширилганлигини ва улардан тўғри фойдаланилганлигини текширади. Ҳисоботга киритилган операцияларни ваколатли банк балансида акс эттирилиши бош бухгалтер томонидан текширилади ва имзоланади ҳамда кассир томонидан тасдиқловчи ҳужжатлари билан биргаликда кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

4-боб. Йиғимларни ундириш ва ҳисобини юритиш

23. Йиғимлардан тушган маблағлар (бундан буён матнда маблағлар деб юритилади) ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ҳисобварағига ўтказилади.

24. Маблағларни кирим қилиш учун Жамғарманинг хос рақами ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) билан ваколатли банкларда 20207 — «Республика йўл жамғармасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» транзит ҳисобварағи (бундан буён матнда 20207 — транзит ҳисобварағи деб юритилади) ҳар бир хорижий валюта тури бўйича очилади.

25. Операция кун якунида махсус касса томонидан қабул қилинган маблағлар тегишли ваколатли банкка инкассация хизмати орқали топширилади. Маблағлар банкнинг кейинги иш кунда ваколатли банклардаги 20207 — транзит ҳисобварағига ўтказилади.

26. 20207 — транзит ҳисобварағига келиб тушган маблағлар ҳар иш кунда бир марта марказлашган ҳолда уларни жамлаш мақсадида Жамғарманинг Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида очилган 21508 — «Банк бўлмаган молиявий институтларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари» ҳисобварағига ўтказилади.

27. Ваколатли банк томонидан ҳар ойда маблағлар бўйича ҳисобот тузилади ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи иш кунда Бош банкка тақдим қилинади.

28. Бош банк ҳисоботларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат божхона қўмитаси ва Жамғармага тақдим этади.

29. Ваколатли банк Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда божхона бошқармаси деб юритилади) билан биргаликда ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмасдан ҳисобот ойида Жамғарма ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар тўғрисида икки нусхада солиштирма далолатнома тузади. Солиштирма далолатнома ваколатли банк ва божхона бошқармасининг раҳбарлари томонидан имзоланади, унинг биринчи нусхаси ваколатли банкда, иккинчи нусхаси божхона бошқармасида сақланади.

30. Йиғимларнинг белгиланган тартибда тўланиши устидан назорат божхона бошқармалари томонидан амалга оширилади.

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5-боб. Яқуний қоида

32. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2015 йил 12 июнь

27 (683)-сон

— 45 —

365-модда

Хорижий давлатлар автотранспорт
воситаларининг Ўзбекистон Республикаси
худудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши
учун йиғимларни ундириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

07001-шакл

Ваколатли банкнинг эмблемаси

_____ (ваколатли банкнинг номи)

_____ (кассир штампи)

_____ -сонли **МАЪЛУМОТНОМА — CERTIFICATE**

20 ____ йил « ____ » _____

_____ (мижознинг фамилияси, исми, шарифи
client's name, surname)

_____ қабул қилинди.

_____ (хорижий валютанинг номи, суммаси — рақам ва сўз билан ёзилади
type of foreign currency, amount in figures and in words)

_____ (автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат номи,
the name of the country, where the vehicle is registered)

_____ (тўлов тури — type of payment)

_____ (мижознинг имзоси —
holder's signature)

_____ (кассирнинг имзоси —
cashier's signature)

**МАЗКУР БЛАНКНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ
ҚОНУНГА МУВОФИҚ ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ
УНГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ
БОШҚА ШАХСЛАРГА БЕРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ**

Хорижий давлатлар автотранспорт
воситаларининг Ўзбекистон Республикаси
худудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши
учун йиғимларни ундириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

07002-шакл

рухсат бераман

**Махсус кассада операцияларни амалга ошириш учун
бўнак олиш тўғрисида
ТАЛАБНОМА**

(махсус кассанинг номи)

(махсус касса ходимининг Ф.И.О.)

Қуйидагиларга рухсат беришингизни сўрайман:

I. 20__ йил «__» _____ ҳолатига кўра хорижий валютадаги бўнак:

(валютанинг номи, суммаси рақам ва сўз билан ёзилади)

II. Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар:

(бланкаларнинг шакли ва рақами ёзилади)

(махсус кассаси
ходимининг имзоси)

Хорижий давлатлар автотранспорт
 воситаларининг Ўзбекистон Республикаси
 худудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши
 учун йиғимларни ундириш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 3-ИЛОВА

(олд томони)

07003-шакл

**Махсус касса томонидан амалга оширилган операциялар тўғрисида
 ҲИСОБОТ**

20__ йил « ____ » _____

Хорижий валютанинг номи: _____

Амалга оширилган операциялар мазмуни	Кирим	Чиқим
Олинган бўнақ:		
Кунлик айланмалар:		
Жами айланмалар		
Банк кассасига топширилиши керак		
Баланс:		

(орқа томони)

Қатъий ҳисобда турувчи бланкаларнинг фойдаланилиши

Бланка тури	Олинди		Сарфланди		Бузилди		Қолди	
	рақам-дан	рақам-гача	рақам-дан	рақам-гача	рақам-дан	рақам-гача	рақам-дан	рақам-гача

 (ҳисобот тузувчининг Ф.И.О., имзоси)

Ҳисоботни текширди: _____
 (ваколатли банк бош бухгалтерининг Ф.И.О., имзоси)

20__ йил « __ » _____